O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
9 январь
ШАНБА
№ 2
(12.222)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

## ВАЗИФАЛАРИМИЗ АНИҚ, УМИДЛАРИМИЗ КАТТА

**Вилоятимизда иқтисодий-ижтимоий юксалиш суръатлари жадаллашиб, барқарор тус олганлигининг ўзига хос омиллари бор. Аввало, бу ижтимоий-иқтисодий қурилиш борасида изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилаётганислоҳотларнинг дастлабки самараларидир. Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида алоҳида таъкидланганидек, саноатни модернизациялаш, техника ва технологияларни янгилаш асосида ишонч билан олға илгарилаб бораётганлигимизнинг энг муҳим асоси мамлакатимизда тинчлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат ҳукм сураётганлигидадир.**

– Биз Янги йилни мана шундай ишонч билан қарши олдик, – деди вилоят молия бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Лазиз Йўлдошев "Тошкент ҳақиқати" мухбири билан суҳбатда. – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилини ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини сезиларли кўпайтирган ҳолда кузатдик. Саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш тармоқларида ўсиш суръати муттасил кўтарилиб бормоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, йилни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини саноатда 8,2, қишлоқ хўжалигида 6,3, кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича 25,1, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 11,7 фоиз ўстириш билан якунладик. Иқтисодиётга киритилган сармоялар миқдори 36 фоиз кўпайди. Бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 10,7 фоизга ўсди.

**– Табиийки, бундай суръатлар маҳаллий бюджетга тушум кўпайди деган сўз. Шу соҳадаги асосий кўрсаткичлар ҳақида гапириб берсангиз.**

– Иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш тармоқларини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, қишлоқда ва кичик шаҳарларда ҳам энг замонавий ва кучли инфратузилмани барпо этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш сиёсати вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг истиқболли ҳудудий дастурининг асосини ташкил этмоқда. Сўнгги бир йилда вилоятимизда ўнлаб янги қўшма ва кичик корхоналар маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Макроиқтисодий барқарорлик янада мустаҳкамланиб, иқтисодиёт тармоқларининг юқори суръатларда ўсиши, 2009 йилда ҳам маҳаллий бюджетнинг даромад тушумлари ортиб бориши таъминланди.

Бугун шуни айтиш мумкинки, йиллик бюджет тушуми башорат кўрсаткичига нисбатан 3,3 миллиард сўм кўпроқ бўлди, бюджетнинг жами даромадлари 480,2 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

**– Вилоят маҳаллий бюджетининг харажатлари таркибида ижтимоий йўналиш устувор, албатта. Лазиз Шавкатович, унинг ижроси хусусидаги дастлабки хулосалар қандай?**

– Аввало, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили вилоят маҳаллий бюджетининг харажатлари 533 миллиард сўмдан ошганлигини таъкидламоқчиман. Унинг 70 фоизи ижтимоий соҳа лойиҳаларини амалга ошириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига сарфланди. Бу жуда катта маблағ бўлиб, қарийб 374 миллиард сўмни ташкил этади. Шуни айтиш кифояки, ўтган йили иш ҳақи, стипендия, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдорини оширишга вилоят маҳаллий бюджети билан пенсия жамғармаси ҳисобидан қўшимча 41,7 миллиард сўм йўналтирилди.

Халқ таълимини ривожлантириш соҳасига катта куч ва маблағлар сарфланаяпти. Маҳаллий бюджет харажатларининг таркибий таҳлили буни яққол кўрсатмоқда. 2009 йили ҳам у етакчи ўрин тутиб, 216,3 миллиард сўмга етди. Бу маблағга мактаб таълими жамғармасидан қўшимча яна 46,9 миллиард сўм ажратилиб, мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ



## ОИЛАГА ҚУВОНЧ, ЮРТГА ТАЯНЧ

**Мамлакатимизда ислоҳотлар самараси кундан-кунга юз очиб, бўй кўрсатмоқда. Инсон саломатлигини ўйлаб, узоқни кўзлаб қилинаётган саъй-ҳаракатлар мевалари етилмоқда. Республика Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар кўлами янада кенгаймоқда.**

Олмалиқ шаҳрида қайтадан бунёд этилган туғуруқ мажмуаси она ва бола саломатлиги йўлидаги ғамхўрликларнинг яна бир намунаси бўлди. Олмалиқликларга катта қувонч ва шодлик келтирган бу мажмуа замонавий жиҳозлари, тиббиёт ускуналари билан алоҳида аҳамиятга эга.

– Олмалиқ кон-металлургия комбинати қурувчиларининг ғайрати билан қисқа муддатда бутунлай ўзгача қиёфа касб этган бу саломатлик масканига 2,5 миллиард сўм сарфланганлиги ҳам давлатимизнинг келажак авлодга, она ва бола саломатлигига бўлган катта эътибор ва ғамхўрлигини кўрсатади, – дейди шаҳар тиббиёт маркази бош шифокори Сирожиддин Шоматов. – Дастур доирасида, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизимини такомиллаштириш, соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ишлари изчил давом эттирилишида тиббиёт ходимлари зиммасидаги масъулият катта.

– Соғлом бола туғилиши учун ҳомиладорликнинг илк кунлариданоқ назоратда бўлиш зарур, – дейди патология бўлими бошлиғи Фарида Одилхаева. – Бўлғуси оналар ҳомиладорлик даврини нечоғлик хотиржамликда ўтказиши соғлом фарзанд туғилишини кафолатлайди. Бўлимда бунинг учун барча шароитлар муҳайё этилган.





Баркамол авлод йилида фаолиятини бутунлай ўзгача кўриниш ва йўналишда бошлаган туғуруқхона мажмуасида ҳали юртимиз равнақи йўлида баракали хизмат қиладиган соғлом, баркамол фарзандлар дунёга келиши шубҳасиз. Зеро, жисмонан соғлом, ақлан етук фарзандларгина баркамолликка эриша олади.

Туғуруқхонадаги мавжуд қулайликлар эса нафақат шаҳар, балки қўшни туманлардаги аҳолини ҳам қизиқтириб қўйди. Бу ерда замонавий тиббий ускуналардан моҳирона фойдалана оладиган малакали, билимдон шифокор ва ҳамширалар кўп.

– Мен яқинда қизчалик бўлдим, – дейди Умида Мавлонова. – Фарзандим ўз соҳасининг билимдонлари, фидойилари назоратида эканлигидан кўнглим тўқ. Қизим улғайиб, шифокор бўлади, дея ният қилдим.

Эзгулик эътибордан бошланиши ҳақ гап. Ғамхўрлик, меҳр-оқибат оғушида соғ-саломат вояга етган баркамол авлод юртимиз келажаги, Ватанимиз таянчи бўлиши шубҳасиз.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** (юқорида) шифокор-педиатр Неля Абдураҳмонова янги туғилган чақалоқни кўрикдан ўтказмоқда; (пастда) акушерлик мажмуасининг умумий кўриниши.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ



БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

### МАҲСУЛОТ ТУРИ ЎНДАН ОШДИ

**"Бўстонлиқсут" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ўтган йилни катта иқтисодий самарадорлик билан якунлади. Жамоа йил мобайнида аҳоли дастурхонига 1 миллиард 790 миллион сўмликдан зиёд сифатли сут маҳсулотлари етказиб берди.**



Корхонани юксак унумли, замонавий технологиялар билан жиҳозлаш борасидаги истиқболли дастурлар муваффақият гарови бўлди. Эндиликда корхонада ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб, тайёрланаётган маҳсулотлар тури 10 дан ошди. Улар асосан вилоят ва пойтахт аҳолиси эҳтиёжини таъминламоқда.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

ТОШКЕНТ ТУМАНИ

### СОҒЛОМ ҲАЁТ САРИ

**Статистик маълумотларга кўра, эркакларнинг 50 фоизи чекишни одат қилганлар. Шулардан 25 фоизи – ашаддий кашандалар. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, инсониятни қийнаётган оғир хасталикларнинг аксарияти кашандалик туфайли илдиз отмоқда.**



"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Тошкент туман бўлими чекишга ружу қўйганларни бу йўлдан қайтариш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Яқинда «Чекиш – умр заволи» дастури доирасида ўтказилган тадбир ҳам ана шу мақсадга қаратилди.

БЎКА ТУМАНИ

### ШОДИЁНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Юртимизнинг барча гўшаларида қизғин давом этаётган янги йил шодиёналари тумандаги 7-мактабгача таълим муассасасида ҳам ўзгача хурсандчилик билан ўтди.**



Болажонлар ўзбек халқ эртаги қаҳрамонлари қиёфасида ўзлари саҳналаштирган томошани намойиш этдилар. Масканда тарбияланаётган 90 нафарга яқин ўғил-қизларга Қорбобо ва Қорқиз бир-биридан ажойиб совғалар улашдилар. Арча атрофидаги қизиқарли ўйинлар, шўх қўшиқлар, турли рақслар узоқ давом этди.

ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИ

### БИР ЙЎЛА УЧ МЕДАЛЬ

**Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрида ёшлар ўртасида спортнинг оғир атлетика тури бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.**

Унда 20 дан ортиқ давлат вакиллари ўзаро беллашдилар. Туманнинг 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида таҳсил олаётган Нурсултон Иброҳимов 72 килограмм вазн тоифасида рақиблари билан бир неча йўналишларда куч синашиб, бир йўла олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳибига айланди.

БЕКОБОД ТУМАНИ

### МУРУВВАТ

**Хайр-саховат халқимизга хос фазилат.**



Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раҳбарияти Гулистон қишлоғи «Исфара» маҳалласида яшовчи ногирон Ҳаётхон Исмоиловни Баркамол авлод йили билан қутлаб, 560 минг сўмлик ногиронлар аравачасини ҳадя этди.

– Менга кўрсатилаётган ғамхўрликдан жуда бахтиёрман, – дейди у. – Бу мустақил юртимизда ҳеч бир фуқаро эътибордан четда қолмаётганининг ёрқин мисолидир.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

## ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ, мамлакатимизда 2009 йилнинг 10 декабридан бошланган Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда.**

Ойлик давомида вилоят ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва йўл ҳаракати қатнашчилари ўртасида ҳаракатланиш интизомини мустаҳкамлаш ҳамда транспорт воситалари билан боғлиқ қоидабузарликларни аниқлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш пайтида уяли телефондан фойдаланишининг тақиқланганi, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракати чоғида ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан улардан фойдаланиш мажбурий этиб белгиланганi ҳам йўлларда хавфсизликни таъминлашга хизмат қилаётир. Шунингдек, транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўрнатилган теле ва видеомонитордан транспорт воситасини бошқариш пайтида фойдаланиш, шунингдек, транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўзбошимчалик билан бундай воситаларни ўрнатиш тақиқланди.

Бундай чора-тадбирлар ҳайдовчиларнинг ҳаракат пайтида чалғимаслигини таъминлаб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Республикамиз ҳудудида янги нусхадаги ҳайдовчилик гувоҳномалари ва талони, шунингдек, янги давлат рақами белгилари жорий этилгани халқаро андозалар талабига тўла мос келади.

Мамлакатимизда йўлларнинг кенг ва равонлигини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Йўл ҳаракати қоидаларига оид белгилар ёрқинроқ акс эттирилмоқда. Бу фуқароларимизга яратилган қулайлик бўлиши билан бирга, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ойликни уюшқоқлик билан ўтказиш учун вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан 23 та махсус гуруҳ тузилиб, улар барча ҳудудларда режа асосида мунтазам турли тадбирлар, суҳбатлар ва учрашувлар ташкил этишди.

Айниқса мактаб ўқувчилари ўртасида йўл ҳаракати қоидалари бўйича Олмалиқ шаҳри, Бўка ва Оққўрғон туманларида барпо этилган болалар авто майдончаларида ўтказилган мусобақалар уларда ҳаракатланиш хавфсизлиги кўникмаларини ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, "Диққат, болалар!", "Таътил", "Диққат, пиёда!", "Яшил чироқ" каби тадбирлар ёшларга йўл ҳаракати қоидаларини қизиқарли мисоллар билан тушунтиришда қўл келди.

Аммо шунга қарамай, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига беписанд муносабатда бўлиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Гоҳ ҳайдовчи, гоҳида пиёданинг айби билан турли йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлаётгани ана шу қоидаларга амал қилмаслик, масъулиятсизлик натижасидир.

Ойлик давомида йўл ҳаракати қатнашчилари, айниқса пиёдалар устидан назорат кучайтирилди. Улар билан боғлиқ 793 та қоидабузарликлар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

"Ўзавтойўл" концерни, "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда вилоятдаги 124 та темир йўл кесишмалари, халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари кўрикдан ўтказилиб, камчиликлар бўйича тегишли ташкилотларга тақдимномалар жўнатилди.

Бошқармамиз ходимлари томонидан чорраҳалар, транспорт қатнови тиғиз йўлларни назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2009 йили йўл-транспорт ҳодисалари сони 2008 йилдагига нисбатан сезиларли даражада камайгани бу борадаги изчиллик самарасидир.

**Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,**
**вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори.**

**Республика Киночилар уйида ўзбек халқ эртаклари асосида суратга олинган мультфильмлар намойиш қилинди.**

## КИНОЧИЛАР УЙИДА ПРЕМЬЕРА

Мазкур премьералар "Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан ўқувчи-ёшларнинг қишки таътил кунларини сермазмун бўлиши, уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда сўз олганлар "Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан миллий мультфильмлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Шундан сўнг "Зўраки фолбин", "Лочин ови", "Музаффарнинг тушлари" сингари ўзбек халқ эртаклари асосида суратга олинган мультфильмлар болажонлар эътиборига ҳавола этилди. Бундан ташқари, тадбир қатнашчилари мультфильмлар яратилишида жонбозлик кўрсатган ижодкорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имкониятига эга бўлишди.

**"Туркистон-пресс".**

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида маънавиятнинг маъно-мазмуни, инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти, назарий ва амалий жиҳатлари кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этилиб, истиқлол йилларида миллий маънавиятимизни тиклаш ва замон руҳи асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилган.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида мазкур асарнинг таълим муассасаларида ўқитилишини ташкил этиш бўйича семинар-тақдимот ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика маънавият тарғибот маркази, қатор илмий-маърифий ташкилотлар вакиллари, олимлар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Бугунги кунда юртимиз таълим масканларида ёшларга пухта билим бериш, касб-ҳунарга йўналтириш баробарида таълим ва тарбиянинг ўзаро уйғун ҳолда олиб борилишига, йигит-қизларни миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, миллатимиз учун зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялашга долзарб масала сифатида ёндашилмоқда. Айни пайтда ёшлар камолотида ғоят муҳим ўрин тутувчи маърифат даргоҳлари – мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув муассасалари, кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари, маданият ва санъат масканлари, ижодиёт марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шароитини янада яхшилаш, фаолиятини сифат ва мазмун жиҳатдан такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Семинар-тақдимотда "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарини таълим муассасаларида самарали ва илғор педагогик технологиялар асосида ўқитишни ташкил этишнинг йўллари, маънавиятшунослик фанлари тизимининг долзарб масалалари, интеллектуал бойликка интилиш – тараққиёт асоси, мустақиллик – маънавий тикланиш ва юксалиш каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

**ЎзА.**

ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

# КЎЗЛАРИНГ ЙЎЛИМДА

Бир даврада машҳур қизиқчилардан бири шундай ҳазиломуз гап қилган эди:

– Агар эркак киши уйига кеч қолса, аёли дарров ёмон хаёлга боркан: "Ишқилиб, бирортасига илакишиб юрмаяптимикан?"

Бироқ, онанинг хавотири бошқачароқ бўларкан: "Эсон-омон келсинда, бирор кор-ҳол бўлмадимикан?"

Бу – шунчаки айтилган ҳазил гапнинг ўзи ҳам кимнинг дарди кимда эканлигини англатиб турибди. Гапни дабдурустдан бундай бошлаганимнинг боиси саволингизни кутаяпман: "Нима демоқчисиз ўзи?"

Мақсадим – асосий "қаҳрамон"и ўзим бўлган бир воқеани ҳикоя қилиб бермоқчиман, холос.

Чамаси май ойлари эди. Бурчмуллалик бир дўстимиз меҳмондорчиликка чақирди. Чотқолнинг пурвиқор тоғлари этагида ястанган сўлим адирлардаги лола сайли, алламаҳалгача давом этган улфатчилик ўша даврада бўлган дўстларимизнинг ҳануз ёдида бўлса керак. Гурунг қизигандан қизиб, вақт ўтганини, кеч туша бошлаганини ҳам пайқамай қолибман. Боз устига бир зумлик баҳор ёмғири, момақалдироқнинг даҳшатли гумбурлаши, тоғлар узра бостириб келаётган тун пардаси мен – бу ерларда биринчи марта меҳмон бўлаётган одам учун бироз ваҳимали туюла бошлади. Секин ортга қайтишни кўнглимга тугиб, давradoшлардан изн сўрадим. Табиийки, бундай пайтда, устига устак ширакайф даврада осонликча жавоб тегмайди. Ўшанда ҳам шундай бўлди. Мезбон астойдил ранжиди, бир кеча тунаб, эрта билан йўлга чиқишга кўндирмоқчи бўлди, унамадим.

– Кетмасам бўлмайди, – дедим. – Тошкентгача камида икки соатлик йўл...

Мезбонлар яна "қолинг-қолинг" қилишди. Қарасам, ҳеч илож йўқ.

– Онам хавотир оладилар, – дедим ниҳоят жиддийлашиб. – Қолишим кераклигини аввалроқ билганимда келинингизга айтиб, бирорта туфлигимни кечқурун остонага чиқартириб қўярдим.

Мезбонлар гапимга ажабланишди. Мен изоҳ бердим:

– Гап шундаки, онам ҳар оқшом ярим тунда ҳовлига чиқиб, келинингиз тушган уйнинг остонасини кўриб кетадилар. Пойабзалим турган бўлса, хотиржам бориб ётадилар. Агар йўқ бўлса, тонггача мижжа қоқмай, юрак ҳовучлаб чиқадилар.

Даврадагилар менга яна ҳам ажабланиб қарашди. Зум ўтмай мезбон фотиҳага қўл очди.

– Майли, шу гапингиз учун ҳам сизга жавоб берамиз. Фақат эҳтиёт бўлиб кетинг, оқ йўл.

Бу гапга ҳам анча бўлди. Лекин онам ҳануз ярим кечаси ҳовлига чиқиб, пойабзалим бор-йўқлигини бир текшириб қўйиш одатларини ташламаганлар. Баъзан дўстлар райига қарабми ёки бошқа важданми бирор жойда қолишга тўғри келиб қолса, кўз ўнгимда дадамнинг чопонини елкасига ташлаб, етти хуфтонда уйимиз остонасида менинг туфлигимни қидираётган муштипар онам сиймоси кўз ўнгимда гавдаланаверади.

Ана шу меҳр мени ҳар сафар кеч бўлди дегунча уйимиз томон бошлаб келаверади.

**Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.**



– От миниш менга ҳам ярашади!

Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

# ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ ЭЪТИРОФИ

**Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунёнинг 2009 йилдаги энг кучли 26 нафар футбол ҳаками рўйхатини эълон қилди. Унга ўзбекистонлик Равшан Эрматов ҳам киритилди.**

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА таснифидаги учрашувларни бошқариб келаётган Р. Эрматов халқаро ташкилот рўйхатидан жой олган ҳакамлар орасида энг ёшидир.

Р. Эрматов учун 2009 йил мавсуми муваффақиятли ўтди. У ФИФА ва Осиё футбол конфедерацияси томонидан ўтказилган нуфузли мусобақалар – жаҳон чемпионатининг саралаш босқичи ўйинлари, Осиё чемпионлар лигаси беллашувлари ва Нигерияда ўсмирлар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионати учрашувларида бош ҳакам вазифасини муносиб бажарди.

Осиё футбол конфедерацияси 2008 ва 2009 йиллар якунига кўра, Равшан Эрматовни кетма-кет икки маротаба Осиёнинг "Энг яхши ҳаками", деб эълон қилган. Тажрибали мутахассисимиз ФИФА томонидан жорий йил Жанубий Африка Республикасида ўтадиган жаҳон чемпионатига жалб қилиниши мумкин бўлган ўттиз саккиз нафар ҳакам рўйхатига киритилган.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига моддий ва маънавий кўмак бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом оила, соғлом авлодни шакллантиришга йўналтирилган қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.**

Хусусан, жамғарма томонидан кўп болали, кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон ҳамда Меҳрибонлик, Саховат уйлари ва махсус мактаб-интернатларда тарбияланувчиларнинг таътил кунларида қишки оромгоҳларда дам олиши ташкил этилди.

Сўнгги уч йилда қишки таътил кунлари мингдан зиёд ўғил-қиз Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги "Бўстон" сиҳатгоҳида саломатлигини мустаҳкамлади.

**ЎзА.**

# КУЛГАНГА НИМА ЕТСИН

## Кўрдингми, хотин?!

Эр-хотин бозор қилиб юришса, соқоллари ўсган, устбоши расво, қирқ ёшлардаги бир гадой йигит тиланиб келиб қолибди. Эр чўнтагидан юз сўм чиқариб, гадойдан сўрабди:

– Ичасанми?

– Ичмайман, – жавоб қилибди гадой.

– Чекасанми?

– Чекмайман.

– Қиз-жувонлар билан юрасанми?

– Юрмайман.

– Кўрдингми, хотин, – дермиш эр гадойни рафиқасига кўрсатиб, – йигит киши ичмаса, чекмаса, қизлар билан юрмаса, қандай аҳволга тушиб қоларкан!

☹ 😐 ☺

## Ўзи ҳам ўпмайди...

Тўйда кампир онахонимиз берилиб ўйинга тушаётган экан, бегона оқсоқол келиб унга юз сўм пул узатибди. Кампир пулни олиб хурсанд бўлиб, оқсоқолга қошини учириб қўйибди. Оқсоқол бундан илҳомланиб, кампирнинг юзидан ўпиб олибди. Бу манзарани кампирнинг чоли кузатиб турган экан, рашки келиб уларга яқинлашибди:

– О-о-о! Ҳали сиз бизнинг кампирни ўпадиган бўлиб қолдингизми? – деб оқсоқолнинг юзига тарсаки тортиб юборибди. Оқсоқол гандираклаб йиқилиб, ҳушидан кетиб қолибди. Кампирга илҳом келиб:

– Уринг, отаси, уринг. Ўзи бергани юз сўм пул-у, яна буни ўпганига ўласизми? – деб бақирибди.

Оқсоқол ўзига келиб, рақибига ташланибди. Кампирнинг чолини бир уриб ётқизиб қўйибди. Кампирга яна худо бериб дермиш:

– Уринг, айланай, уринг. Бу чол на ўзи ўпади, на бировга ўптиради.

☹ 😐 ☺

## Қув – содда

Бир содда отахонимиз метрога тушиб қолибди. Метрода юриш учун бир юзу олтмиш сўмга жетон олиш керак. Отахон жетон оламан деб икки юз сўм узатган экан, кассир қиз сўрабди:

– Ота, ўн сўмлигингиз йўқми?

– Не қиласан?

– Сиз менга ўн сўм берсангиз, мен сизга эллик сўм берардим.

– Ўн сўм берсам эллик сўм берасан?.. – отахон бироз ўйланиб қолибди. Сўнг қиздан жиддий сўрабди:

– Жигирма сўм берсам жуз сўм бермайсанми?

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ТЕЛЕФОНИНГНИ ОЛЧИ, БОЛАКАЙ!

**Мобиль телефон яратилган дастлабки пайтларда у асосан алоқа учун ишлатилган эди. Ўша пайтларда унинг тури, имконияти ва қулайлиги ҳозиргидек кўп ва кенг бўлмаган.**

Кейинги йилларда унинг имкониятлари ортиб, такомиллашиб боргани сайин ушбу аппаратга бўлган қизиқиш янада ошди. Бугун бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам боғча ёшидаги боладан то кекса отахону онахонларгача симсиз телефондан фаол фойдаланмоқда. Ким биландир мулоқотда бўлиш – аслида инсон табиатига хос. Мобиль телефон бу жараённи янада фаоллаштирди.

Маълумки, бу алоқа воситаси орқали исталган жой ва пайтда оилавий ва иш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, ундан соат, календарь, калькулятор, фотоаппарат, видеокамера, радио, телевизор, интернет, блокнот сифатида фойдаланиш, обҳаво ва валюта курси сингари бошқа кўплаб зарур маълумотларни билиб олиш, шунингдек, мусиқа эшитиш, турли ўйинлар ўйнаш мумкин.

Воҳаланки, бир неча йил илгари узоқ тоғли ҳудуддаги қариндошимизга зарур хабарни етказиш учун ўнлаб километр йўл юриш, анча вақт ва маблағ сарфлашимизга тўғри келарди. Бугун эса телефон кириб бормаган хонадоннинг ўзи йўқ. У орқали нафақат шаҳару қишлоқларимиздаги, балки минглаб километр узоқдаги бизнес ҳамкор, таниш ёки яқинимиз билан истаган пайт ва жойда, тез ва осон хабарлашамиз.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда миллионлаб юртдошларимиз мобиль телефонни доимий ҳамроҳига айлантирган. Унинг салмоқли қисмини мактаб ўқувчилари ташкил этади.

Психологларнинг ташвиш билан таъкидлашича, ўз мобиль телефонига эга ўқувчилар дарсдан кўп чалғийди. Фанларни ўзлаштириши сусаяди. Бўш вақтини кўпроқ илм ўрганишга эмас, телефонини "титкилаш"га бағишлайди. Бу ҳам етмагандай тез асабийлашадиган, бефарқ, лоқайд бўлиб қолади. Ақлий ва жисмоний ривожланишига путур етади.

Мобиль телефон орқали тарқалаётган беҳаёликка, ваҳшийликка ундовчи расм ва тасвирлар уларнинг хулқи бузилишига олиб келади. Қолаверса, телефонидаги "қаҳрамонлар" бажарган уятсиз ва ёвуз ишларга қўл уришга мойиллик пайдо бўлади.

Мобиль телефоннинг зарари хусусида гап кетганда, мутахассислар у орқали 1-2 дақиқадан ортиқ сўзлашмасликни тавсия этганини таъкидлаш ўринли. Чунки, унда узоқ муддат мулоқотда бўлишнинг инсон саломатлиги учун зарари катта эканлиги исботланган.

Яқинда маҳалламиздаги Дониёр исмли 4-синф ўқувчисининг телефонидаги фоҳишабозлик, қўрқинчли ўйин ва даҳшатли автоҳалокат тасвири туширилган лавҳаларни кўриб қолдим. У буларни мактабдошининг телефонидан кўчириб олганини яширмади. Отаси билан гаплашганимда, у ўғлининг бу эрмагидан бехабар экан. Тенгдошларидан кам бўлмасин деб, телефон олиб берганини айтди.

Ҳаммамиз ҳам фарзандимиз ўзимиз эришолмаган ютуқ ва марраларни забт этишини, замондан, тенгқурларидан ортда қолмаслигини истаймиз. Бироқ, ушбу жараёнда қош қўяман деб кўз чиқармаслик даркор. Зурриёдимизга мобиль телефон ёки компьютер олиб бергач, у қандай мақсадда фойдаланаётганини назорат қилишимиз шарт.

Фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш энг долзарб вазифалардандир. Шундай экан, ёшлар таълим-тарбиясига беэътибор бўлмаслик, уларни мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган ҳар томонлама комил инсонлар этиб тарбиялаш барчамизнинг, аввало, биз, ота-оналарнинг бурчидир.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

САЛОМАТ БЎЛИНГ

# ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ШИФОКОР

## БУЙРАК КАСАЛЛИГИ

Бу хасталик кўпинча шамоллаш, заҳарланиш оқибатида буйракда тошлар йиғилиши сабабли бошланади.

Халқ табобатида уни даволашнинг усулларидан бири пол-пола ўсимлигини майдалаб, икки чой қошиқда бир коса қайнаб турган сувга солиб, дамланади ва озгина шакар солиб, кунига ярим пиёладан уч маҳал овқатдан олдин ичилади.

Иккинчиси, бир ош қошиқ далачойни майдалаб, чойнакка дамланади ва кунига 3 маҳал бир ош қошиқдан ичиш тавсия этилади. Худди шундай усулда жағжағ, шивитдан фойдаланса ҳам бўлади.

## БЎҒИН ОҒРИҚЛАРИ

Бу хасталик шамоллаш, туз тўпланиши сабабли келиб чиқиши мумкин. Шу билан бирга ревматоид полиартрит, ревматизм хасталикларида ҳамма бўғинларда узоқ муддат оғриқ кузатилади. Шифокор муолажаларига қўшимча табобат усулларидан фойдаланиш мумкин.

Биринчидан, хом тухумни 200 грамм уксус эссенциясига солиб, бир ҳафта тиндирилади. Кейин унга сариёғ қўшиб, аралаштирилади. Бу малҳам ётишдан олдин оғриётган бўғинга қўйилади. Иккинчидан, хантал уруғини майдалаб, асалга тенг нисбатида қўшилади ва аралаштирилади. Оғриган бўғинга малҳам сифатида қўйилади. Даволаш муддати – бир ой.

Учинчидан, 200 грамм тоза спиртга уч ош қошиқ ўсимлик ёғи қўшиб, аралаштирилади ва бўғинларга суртилади, сўнгра устидан латта ўраб ётилади. Даволаш муддати – икки ҳафта.

Тўртинчидан, тоза асалдан (200 грамм) икки қошиқ олиб, бир пиёла спиртга аралаштириб, бўғинга қўйилади. Худди шундай усул билан турп уруғини майдалаб, унга сув қўшиб, хамир ҳолатда бўғинга боғлаб қўйилади. Даволаш муддати – бир ой.

## БОШ ОҒРИҒИ

Бош мия оғриғи шамоллаш, бошнинг шикастланиши ёки асаб хасталиклари оқибатида пайдо бўлади. Шунингдек, мия қон томирлари фаолияти бузилиши, қон босими паст ёки баланд бўлганда ҳам бош оғриши мумкин. Бундай кезларда уй шароитида ҳам даволаниш мумкин.

Биринчидан, 100 грамм арпани ярим литр сувда қайнатиб, ўн дақиқадан сўнг, докадан ўтказиб, ҳар куни бир пиёла ичилади.

Иккинчидан, исириқни тутатиб, тутунига 10 марта бошингизни тутинг. Бу усул иссиқ кунларда, ёзда қўлланилади. Бир боғ исириқни бир челак сувда 30 дақиқа қайнатиб, ваннага солинади. Шу сувда 30 дақиқа ванна қилинса, бош оғриғи тез қолади.

Учинчидан, бир сиқим шафтоли барги чойнакка солинади ва устига қайноқ сув қуйилади. Бир пиёладан ичилса, терлатади ва бош оғриғи тез тарқалади.

Худди шундай усулда тоғрайҳон, лимон ўти, ялпиз, янтоқ, тоғ арчасидан фойдаланиш мумкин.

## БАВОСИЛ

Узоқ вақт ўтириб ишлаш натижасида, сурункали қабзият, ҳомиладорликдан сўнг, варикоз касаллигидаги асоратлар ушбу дардни келтириб чиқаради. У аста-секин ривожланади.

Биринчидан, саримсоқнинг тўрт бўлакчасини қайнатиб, бир чой қошиқ асал ва чой қошиқнинг тўртдан бири ҳажмида оқ сирка аралашмаси билан даволанса, жуда яхши самара беради.

Иккинчидан, қизил пиёзни чала қовуриб, 4-5 кун оғриқ жойга қўйилса, шифо беради.

Учинчидан, «келин тили» гиёҳини сувда ярим соат қайнатиб, уч маҳал ярим пиёладан ичиб турилади. Даволаш муддати – бир ой.

## ЮҚОРИ НАФАС ЙЎЛЛАРИ ЯЛЛИҒЛАНИШИ

Юқори нафас йўлларининг тез-тез шамоллаш сабабли яллиғланиши тиббиётда бронхит деб аталади. У шамоллаш, музхоналарда ишлаш, чанг жойларда нафас олиш оқибатида пайдо бўлади. Тана ҳарорати кўтарилиб, иситма кучаяди, аксириш, қуруқ йўтал бошланади.

Биринчидан, ярим литрли чойнакка қора чой солиб, бир ярим чой қошиқда қора мурч қўшилади ва чой сифатида ичилади.

Иккинчидан, турп шарбатига икки ош қошиқ асал, бир ош қошиқ спирт, бир ош қошиқ туз солиниб, кунига уч маҳал бир ош қошиқдан ичилади. Бундай дамламани тоғжамбил, кука ўсимликларидан ҳам тайёрлаш мумкин.

## БУРУН БЎШЛИҒИДАГИ ЯРАЛАР

Бу яралар беморни узоқ вақт азоб чекишга мажбур қилади. Даволаш учун бир коса сувга бир ош қошиқ қуритиб, майдаланган зубтурум барги солинади. Тўрт соатдан сўнг докада сузилиб, кунига тўрт маҳал 24 томчидан томизилади. Иккинчидан, совунўт баргларини сиқиб, суви беморни бурнига томизилади. У жароҳатларни тузатади, шишларни, оғир яраларнинг олдини олади.

Учинчидан, нўхатдек мўмиё 5-6 грамм камфора билан аралаштирилади. Кунига икки маҳал 2-3 томчидан бурунга томизилади.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

**«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиали таркибидаги Келес, Пискент, Оҳангарон почта алоқа тармоқларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича (махсус хонани қуриб жиҳозлаш) тендер эълон қилади. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзил ва телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 3-уй. Тел/факс: 250-04-43, 250-93-94.**

Ҳамза тумани БТИ томонидан 1956 йилда Ҳамза тумани, 2-Тол-ариқ кўчаси, 49-уй манзили бўйича Махмудов Казакбай номига берилган уй план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

BOLALIK BOG`I

# ChIGIRTKA VA ChUMOLI

Chumoli yo`lda borayotib, yarador chigirtkaga duch keldi. Uni o`z iniga olib borib, davolashga kirishdi: singan oyog`ini taxtakachladi, bo`ynidagi yaraga malham surib, bog`ladi. Oradan ko`p vaqt o`tmay, chigirtka sog`ayib ketdi. Bu orada chumoli bilan chigirtka shunday do`stlashib ketishdiki, ularning inoqligiga atrofdagi barcha jonzotlarning havasi kelardi. Chumoli ertalab inidan chiqib ketib, oqshom payti turli yemishlarni ortmoqlab kelardi. Chigirtka esa uy poylab qolardi.

– Do`stim, ancha sog`ayib qolding. Endi ikkalamiz birga yashaymiz. Shunday ekan, ertalab birga dalaga borsang, don tashib, qishga g`amlab qo`yamiz. Bu ishni shu kunlarda bajarmasak, keyin kech bo`ladi. Qishda yeyish uchun ozuqa topa olmay, pushaymon bo`lishdan foyda yo`q.

Bu maslahat chigirtkaga yoqmadi.

– Yo`q, men sendan kattaman, – dedi uzun mo`ylovlarini o`ynatganicha g`o`ddayib. – Don tashish sening ishing. Vazifangni bajar. Donni ko`proq g`amlab qo`y.

– Iltimos, vaqt ziq, menga ko`maklash, – yolvordi yana cho`moli.

– Sen bilan birga yashay olmayman, men ketdim, – deb chigirtka indan chiqdi-da, olis-olislarga uchib ketdi.

Chumoli do`stidan ayrilib qolganidan juda xafa bo`lib, ozuqa to`plashga kirishdi.

Kuz kelib, kunlar soviy boshladi. Dalada chir-chir sayrab, uchib-qo`nib yurgan chigirtka izg`irinli kunlarda qayerda jon saqlashni bilmay, sarosimada qoldi. U juda qiynaldi, eski yaralari og`rib, kasali bot-bot xuruj qila boshladi.

Qish keldi. Chumoli ini to`la don bilan yayrab yashayverdi.

Iliq-issiq kunlarni o`yin-qaroqlik bilan o`tkazgan chigirtka esa, yemish topa olmay holdan toldi, butunlay chorasiz qoldi.

Birdan qor yog`ib, bo`ron turdi. Izg`irin chigirtkani uchira-uchira ittifoqo chumolining ini yaqiniga keltirib tashladi. U sovuqda izillaganicha:

– Bekor chumolining gapiga kirmadim, uni tashlab ketdim, – dedi pushaymon bo`lib. – Maslahatiga yurganimda hozir do`stim bilan issiqqina joyda, to`q yashardim.

U chumolining eshigini taqillatishga majbur bo`ldi:

– Chumolijon, do`stim, men nodonni kechir, iltimos, yana bag`ringga ol, endi aslo qaysarlik qilmayman.

– Chigirtkajon, kelaqol, – in eshigini ochdi chumoli. – Joy ikkimizga yetadi.

Shu tariqa chumoli bilan chigirtka birga baxtli yashay boshlashdi.

**Zulfiya SATTOROVA,**
**Zangiota tumanidagi 15-maktabning 6-sinf o`quvchisi.**

РАССОМ ХАНДАСИ




Хусан СОДИҚОВ чизган расм.

Ўртачирчиқ туманидаги «BINOKOR-QURILISHBARAKA» шўъба корхонаси (ИНН 206801662) мулкчилик шаклини масъулияти чекланган жамиятига ўзгартираётганини маълум қилади.

Частное предприятие «GOLD ELEGANT MEBEL» (ИНН 301229227, ОКПО 22822240), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Бунедкор, д. 7 **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 4 от 7 января 2010 г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 378-53-00.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Жўра САЪДУЛЛАЕВ**
Навбатчи **Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-41. Адади 12079. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.
Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 5 6 7 8